

Қачон Аллоҳ бир бандасига яхшиликни хоҳласа

09:20 / 29.11.2017 2882

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон Аллоҳ бир бандасига яхшиликни хоҳласа, азобини бу дунёдаёқ тезлатади. Қачон Аллоҳ бандасига ёмонликни хоҳласа, унинг гуноҳи сабабли жазосини ушлаб туради, Қиёмат бўлганда тўла-тўқис қилиб (жазосини) беради. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Улуғ мукофот катта нарса билан балоланганларга берилади. Аллоҳ таоло қачон бирор қавмни яхши кўрса, уларни балолантириб қўяди. Ким бунга рози бўлса, у учун розилик (ёзилади). Ким ғазаб қилса, унга ғазаб (ёзилади)», дедилар.

Имом Термизий ривоятлари. Ҳадис ҳасан, деган.